

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 2

**Бухоро шахри** «Бухоро Дори-Дармон», (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Д.Б.Ахатов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази (корхона, ташиқлот, муассаса номи), (кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади) номидан ўзининг Низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Кобилов Н.Ю. (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

«10» январь 2022 й

### 1 ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Марля 5 м	шт	875	14000	12250000
2	Вата 100 гр	шт	1000	4400	4400000
3	Шприц 5мл	шт	10000	375	3750000
<b>Жами</b>					<b>20400000</b>

1.2. Мазкур жадалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 10 февралгача 2022 йилгача

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **20400000** ( Йигирма миллион тўрт юз минг сум) 00 тийинни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 6120000 сум 00 тийинни, яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 14280000 сум 00 тийинни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "10" февралгача амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорда олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
  - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
  - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
  - 3.1.3. Сотувчи тўламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
  - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди
  - 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
  - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
  - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчинини хабардор қилади.
  - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар хақини тўлаш

### 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунга топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб берадиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди
- 5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тўртган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тўлайди.
- 5.5. Товар хақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунга тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.